



**ИМОМ БУХОРИЙНИНГ “АТ-ТАРИХ АЛ-КАБИР” АСАРИДА ЗИКР
РОВИЙЛАРНИНГ ТАБАҚАЛАРИ ТҮГРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11608310>

Нўъмонжон Насибжонович Тўраев

nimonjon.turaev@mail.ru

Ўзбекитон халқаро ислом академияси

Исломшунослик ва ислом цивилизациясини

ўрганиши ICESCO кафедраси катта ўқитувчиси, PhD

97-470-04-03..

АННОТАЦИЯ

Мақолада Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-Кабир” асарида зикр қилинган “саботли” ровийлар түгрисидаги қарашлари ҳақида маълумотлар баён қилинган.

Калит сўзлар

ат-Тарих ал-кабир, Имом Бухорий, “саботли” ровийлар, жарҳ ва таъдил, сабт, ҳадис илми, Ибн Абу Ҳотим, Ибн Салоҳ, Нававий.

**IMĀM BUKHĀRĪ'S VIEWS ON THE "SATISFACTORY" NARRATORS
(BASED ON THE WORK "AT-TĀRĪKH AL-KABĪR")**

No'monjon Nasibjonovich Toraev

nimonjon.turaev@mail.ru

*International Islamic academy of Uzbekistan
senior teacher of the Islamic studies and Islamic
civilizationICESCO department of studies, PhD*

97-470-04-03.

ABSTRACT

The article provides information about Imām Bukhārī's views on the "satisfactory" narrators mentioned in al-Tārīkh al-kabīr.

Key words

al-Tārīkh al-kabīr, Imām Bukhārī, "satisfactory" narrators, jarḥ wa ta'dīl, sabt, science of ḥadīth, Ibn Abū Ḥātim, Ibn Ṣalāḥ, Nawawī.

“ат-Тарих ал-кабир” Имом Бухорийнинг ўзида ҳадис илмларининг аксариятини қамраб олган ҳамда узоқ йиллик меҳнат натижаси сифатида



дунёга келган муҳим асари ҳисобланади. Ушбу асарда ровийлар тұғрисидаги қисқача биографик маълумотлар билан биргалиқда, уларнинг “жарҳ ва таъдил” (ровийлар айб-нуқсон ҳамда шахсий ижобий сифатлари) илми уламолари назидаги даражалари ҳақидаги қайдлар ҳам берилган. “Сабт” (сabit, саботли, қатъий) атамаси ровийнинг таъдилига, яъни уларнингadolati²¹ ҳамда хотираси каби шахсий сифатлари мадхига таалуқли иборалардан ҳисобланиб, ушбу мақолада унинг ишлатилиш ўринлари ва Ином Бухорий назидаги даражаси ҳамда муаллиф қарашларининг бошқа муҳаддислар томонидан қабул қилиниши таҳлилий ўрганилади. Шу билан бирга, асарда ушбу атама билан мадх этилган ровийларнинг ривоятлари Ином Бухорий ҳамда бошқа машхур муҳаддисларнинг тұпламларида келтирилгандырылған масаласи ҳам ўрганилади. Ушбу икки жиҳат Ином Бухорийнинг ўзига хос методини билиш, шунингдек унинг бошқа муҳаддислар томонидан эътироф этилишини аниқлашда ҳам муҳим аҳамиятта эга.

“Сабт” (сabit, саботли, қатъий) атамаси асарда “сабт” шаклида нафар, “асбату мин” (дан кўра сабтлирок) шаклида 3 нафар, “асбату” шаклида эса 4 нафар ровийга, жами 10 нафар ровийларга нисбатан ишлатилган.

“Сабт” сўзи араб тилида кишининг қалби, тили ва сўзи бирлигига нисбатан ишлатилади. Ушбу иборага берилган таърифлар орасида муҳаддис Саховийнинг таърифи энг мукаммали ҳисобланиб, у “Фатҳ ал-муғис”да “сабт”ни қалб, тил, китоба (ёзув) ва ҳужжатнинг ўзаро мувоғиқлигига нисбатан ишлатилишини, “сабат” сўзи эса, ровийнинг ривоят эшитаётганда у билан бирга бўлган кишилар исмларини ҳам айтиб, ўзининг тұғри айтаётганини далиллашини билдиришини таъкидлайди²². Ушбу атама Ибн Абу Хотим, Ибн Салоҳ ҳамда Нававийлар назидада “таъдил”нинг 1-даражаси ҳисобланса, Заҳабий ва Ироқийлар уни иккинчи даражага қўйишади. Ибн Ҳажар ва Суютийлар “сабт”ни учинчи, Саховий ва Синдийлар эса тўртинчи даражадаги “таъдил” иборалари қаторига қўйишган²³.

“ат-Тарих ал-қабир”да 10 нафар ровий “сабт” атамаси билан таърифланган бўлиб²⁴, улардан 1 нафари тұғрисида муаллифнинг ўзи “сабт” ҳукмини берган бўлиб, қолган 9 нафар ровийларнинг 6 нафари тұғрисида

²¹ Ровийнингadolati адолати унинг мусулмонлиги, вояга етгани, ақлли экани, тақводор ва муруватли бўлиши билан белгиланади. Қаранг: Саййид Абдулмажид ал-Ғоврий. Мавсуға улум ал-ҳадис ва фунунух. – Ж:2. – Дамашк: Дор Ибн Касир, 2007. – Б. 453-454.

²² Қаранг: Саховий, Мухаммад ибн Абдурраҳмон. Фатҳ ал-муғис бишарҳ алфия ал-ҳадис лил-Ироқий. – Ж: 2. – Миср: Мактаба ас-сунна, 2003. – Б. 115.

²³ Қаранг: Саййид Абдулмажид ал-Ғаврий. Мавсуға улум ал-ҳадис ва фунунух. – Ж:1. – Дамашк: Дор Ибн Касир, 2007. – Б. 575-576.

²⁴ Бухорий, Мухаммад ибн Исмоил. Ат-Тарих ал-қабир. – Ж: 1. – Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ал-усмонийя, нашр йили кўрсатилмаган. – Б. 244.; – Ж. 3. – Б. 148; – Ж. 6. – Б. 213; – Ж. 1. – Б. 430, 431; – Ж. 4. – Б. 135; – Ж. 4. – Б. 74; – Ж. 7. – Б. 183, 346; – Ж. 8. – Б. 13.



Яхё ибн Саид Қаттоннинг, 2 нафари тўғрисида Абдураҳмон ибн Маҳдийнинг, 1 нафари тўғрисида эса Суфённинг қарашларини қўллаб қувватлаган. Муҳаммад ибн Муалло тўғрисида муаллифнинг ўз ҳукмини берганига сабаб у билан учрашиб, ундан тўғридан-тўғри ривоят қабул қилганлигидир. Колган ўринларда эса, асосан Яхё Қаттоннинг қарашларига суюнган.

“ат-Тарих ал-қабир”да Муҳаммад ибн Муалло ибн Абдулкарим тўғрисида “сабт” ибораси ишлатилиб, унинг Муҳаммад ибн Исҳоқдан қилган ривояти ҳам келтирилган. Ибн Абу Хотим ҳам Муҳаммад ибн Муалло тўғрисида тўхталиб, Абу Хотим Розий у ҳақда “садук”, “ла баъса биҳи” деган бўлса, Абу Зуръа Розий “садук фил-ҳадис” ҳукмини берганини ривоят қиласди²⁵. Ибн Ҳиббон эса, Муҳаммад ибн Муаллони “сиқа” ровийлар каторида зикр этган²⁶. Маълум бўладики, ушбу ровий тўғрисида аксар муҳаддислар “таъдил” ҳукмларини беришган. Ҳадис тўпламларида унинг бир нечта ривоятлари келтирилган бўлса-да, “ат-Тарих ал-қабир”да келтирилган ҳадис²⁷ бошқа тўпламларда аниқланмади. Бунинг сабаби Имом Бухорий қайд этганидек, исноддаги Муҳаммад ибн Исҳоқ Муҳаммад ибн Мунқадирдан ҳадис эшитмагани тўғрисида баъзи муҳаддисларнинг қарашлари бўлиши мумкин. Имом Термизий Муҳаммаднинг Зиёд ибн Ҳафсамадан, унинг Абу Довуддан, унинг Абдуллоҳ ибн Сахбарадан, унинг Сахбарадан, унинг Набий (с.а.в.)дан илм ўрганишнинг фазилати тўғрисидаги ҳадисини келтириб, унинг исноди заиф эканини таъкидлайди. Имом Термизийга қўра, исноддаги Абу Довуд ҳадисда заиф хисобланади²⁸. Ушбу ривоят Абу Довуд ҳамда Доримийлар томонидан ҳам “Сунан”ларга киритилганини кўриш мумкин²⁹.

Асарда Ашъас ибн Саввор Киндий ҳақда Абдураҳмон ибн Маҳдийнинг “Ашъас асбату мин Мужолид” (Ашъас Мужолиддан қўра сабтлироқ) дегани келтирилган. Бундан келиб чиқиб, Ашъаснинг ўзи заиф ровий бўлишига қарамасдан, Мужолид исмли ровийдан қўра “сабтли” хисобланган, дейиш мумкин. Ушбу ровий тўғрисида муҳаддислар томонидан бир-бирига зид бўлган ҳукмлар мавжуд бўлиб, уларнинг биринчисида Ашъас “заиф” ровий деб баҳоланган бўлса, иккинчисида унинг ривоятлари қабул қилиниши

²⁵ Қаранг: Ибн Абу Хотим, Абдураҳмон ибн Муҳаммад ибн Идрис ибн Мунзир Тамимий Ҳанзалий Розий. Ал-Жарҳ ва ат-таъдил. – Ж: 8. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1953. – Б. 101-102.

²⁶ Қаранг: Ибн Ҳиббон, Абу Хотим Муҳаммад ибн Аҳмад Бустий. Ас-Сикот. – Ж: 9. – Хайдаробод: Доират ал-маориф ал-Усмонийя, 1973. – Б. 43.

²⁷ Қаранг: Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ат-Тарих ал-қабир. – Ж: 1. – Б. 244.

²⁸ Термизий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо. Сунан. – Ж: 5. – Миср: Мустафо Бобий Ҳалабий, 1975. – Б. 29.

²⁹ Абу Довуд, Сулаймон ибн Ашъас Ибн Исҳоқ Аздий Сижистоний. Сунан Абу Довуд. – Ж: 1. – Байрут: Дор аррисола ал-оламийя, 2009. – Б. 463. Доримий, Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ибн Фазл Доримий Тамимий Самарқандий. Муснад ал-Имом ад-Дорими. – Ж: 1. – Нашр жойи кўрсатилмаган, 2015. – Б. 214.



таъкидланади. Жумладан, Ибн Ҳиббоннинг уни “ал-Мажрухин”га киритиб, у ҳақда “фаҳиш ал-хато” ва “касир ал-ваҳм” деган “жарҳ” атамаларини ишлатган. Шунингдек, Яхё ибн Майн ва Абдураҳмонлар ундан ҳадис ривоят қилишмагани ҳамда Яхё ибн Маиннинг у ҳақда “заиф ал-ҳадис” хукмини бергани тўғрисидаги ривоятлар ҳам мавжуд бўлиб, бу Ашъас тўғрисида юқорида келтирилган биринчи гурух муҳаддислар қарашларини қувватлайди³⁰. Аммо, Ибн Адийнинг Ашъас тўғрисида Яхё ибн Маиндан келтирилган иккита ривояти ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг бирида Ашъас “заиф” деб баҳоланган бўлса, бошқасида “сиқа” деб мадҳ этилган³¹. Абу Жаъфар Таҳовий “Шарҳ Мушкил ал-осор”да Ашъаснинг ривоятини келтириб, уни шарҳлаш баробарида, ушбу ҳадисни Ашъас сабабли инкор қилувчи кишиларга қарата “Албатта, Ашъас “матрук ал-ҳадис” эмас. Ўз замонида муҳаддислар у ҳақда ихтилоф қилишмаган. Ҳаттоки, ундан Шуъба ва Саврийлар ривоят қилишган. Улардан Абу Исҳоқ Сабиъий каби юқори табақадаги ровийлар ҳадис ривоят қилишган”ини айтади. Шу билан бирга, “ат-Тарих ал-қабир”да келтирилган хукмни ҳам келтириб, ушбу хукм ровийнинг катта рутба соҳиби эканига далолат қилишини таъкидлайди³². Имом Бухорий, Муслимлар Ашъаснинг ривоятларини ўз тўпламларида келтиришмаган бўлсада, Термизий, Ибн Можжа³³лар уларга “ҳасан”, “саҳиҳ” баҳоларини беришган. Насойӣ эса, унинг 2 та ривоятини келтириб, улардан бирини шарҳлаб “Ашъас ибн Саввор заифдир” деган³⁴. Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг “Саҳиҳ”ларида Ашъаснинг ривояти келтирилмагани сабаби у ҳақда мавжуд бўлган баъзи “жарҳ”лар бўлиши мумкин. Шундай бўлсада, Имом Термизий ва Ибн Можжаларнинг унинг ривоятларига “ҳасан”, “саҳиҳ” баҳоларини беришгани, “асбату мин” ибораси ровийнинг ривоятлари қабул қилиниши учун етарли асос бўлиши мумкинлигини англатади.

Имом Бухорий Мисъар ибн Кидом ибн Захир ҳақда тўхталиб, Яхё Қаттоннинг “Мисъарга ўҳшаганини кўрмадим. У кишилар орасида энг сабтлиларидан эди” деганини келтириб ўтган³⁵. Ибн Ҳиббон эса, уни

³⁰ Ибн Ҳиббон, Абу Ҳотим Мухаммад ибн Аҳмад Бустий. Китоб ал-мажрухин мин ал-муҳаддисин ва аз-зуафо ва ал-матрукин. – Ж: 1. – Байрут: Дор ал-маърифа, 1992. – Б. 171.

³¹ Ибн Адий, Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Журжоний. Ал-Комил фи зуафо ар-рижол. – Ж: 2. – Байрут: Дор ал-фикр, 1984. – Б. 40.

³² Қаранг: Абу Жаъфар Таҳовий. Шарҳ Мушкил ал-осор. – Ж: 6. – Байрут: Muassasa ar-Risola, 1494. – Б. 155.

³³ Қаранг: Термизий, Абу Исҳоқ Мухаммад ибн Исҳоқ. Сунан. – Ж: 3. – Миср: Мустафо Бобий Ҳалабий, 1975. – Б. 257, 341, – Ж: 4. – Б. 701.; – Ж: 5. – Б. 212. Ибн Можжа, Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Язид Қазвиний. Сунани Ибн Можжа. – Ж: 1. – Ҳалаб: Дор ихё ал-қутуб ал-ъарабийя, нашр ийли кўрсатилмаган. – Б. 96.

³⁴ Насойӣ, Аҳмад ибн Шуайб ибн Али Хурросоний Насойӣ. Ас-Сунан ас-сүғро. – Ж: 8. – Ҳалаб: Мактаба ал-матбуот ал-исломийя, 1986. – Б. 69, 89.

³⁵ Бухорий, Мухаммад ибн Исмоил. Ат-Тарих ал-қабир. – Ж: 8. – Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ал-усмонийя, нашр ийли кўрсатилмаган. – Б. 13.



ишончли ровийлардан ҳисоблаб, “ас-Сиқот”да зикр қиласы³⁶. Мұхаддислар орасыда Миззий Мисъар тұғрисида батағсил тұхталиб, Мұхаммад ибн Бишрдан унинг мингта ёки ундан камроқ ривояти борлиги, аммо улардан 10 тасинигина ёзіб олганини ривоят қиласы. Шунингдек, Яхё ибн Маин ва Ахмад ибн Ҳанбалларнинг у ҳақда “сиқа” ҳукмини беришгани, Суфён ибн Уяйна эса, “ростгүйлик маъданларидан” деб айтгани ҳам зикр этган. Миззийнинг ривоят қилишича, Саврий ва бошқалар бирор масалада ихтилоф қилишса, Мисъардан ёрдам сұрашар эди. Шуъба эса, уни “Мұсхаф”га қиёслар эди³⁷. “Жарх өткендегі” га оид бошқа манбаларда Али ибн Мадинийнинг у ҳақда “сиқа”, “саҳих ал-хадис”, “мутасаббит” баҳоларини бергани зикр қилинады³⁸. Маълум бұладики, аксарият мұхаддислар Мисъар тұғрисида “таъдил” атамаларини ишлатып жүргізген. Ҳадис тұпламларида унинг бир нечта ривоятлари көлтирилген. Имом Бухорий Мисъардан ҳадис ривоят қилмаган бўлса-да, Имом Муслим “ас-Саҳих”да унинг бир нечта ривоятларини көлтириб ўтган. Жумладан, “Шафоат” тұғрисидаги ҳадиснинг ривоят занжирларидан бирида унинг Қатодадан ривоят қилганини кўриш мумкин³⁹.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Имом Бухорий “сабт” атамасини ҳадиси қабул қилиниб, ишончли тұпламларга киритилиши мумкин бўлган ровийларга нисбатан ишлатган. Баъзи ровийларга нисбатан бир ёки бир нечта мұхаддислар томонидан билдирилган “жарх” ҳукмлари мавжуд бўлганда, уларнинг ривоятлари “Саҳиҳайн”га киритилмаган. “Асбату мин” шаклида ишлатилганда ровийнинг “сабт” соҳиби ва ишончли кишилардан эканини англатмасдан, ровийнинг бошқа ровийга нисбатан афзал эканини кўрсатади.

³⁶ Қаранг: Ибн Ҳиббон, Абу Хотим Мұхаммад ибн Ахмад Бустий. Китоб ал-мажруҳин мин ал-муҳаддисин ва аз-зуафо ва ал-матрукин. – Ж: 7. – Байрут: Дор ал-маърифа, 1992. – Б. 507.

³⁷ Миззий, Юсуф ибн Абдурахмон ибн Юсуф. Таҳзіб ал-камол фи асмо ар-рижол. – Ж: 27. – Байрут: Muassasa ar-Risola, 1980. – Б. 461-467.

³⁸ Қаранг: Сайид Абу Муотий Нурий ва бошқ. Ал-Жомеъ фи ал-жарх ва ат-таъдил (ли ақвөл ал-Бухорий ва Муслим ва ал-Ижлий ва Аби Зуръа ар-Розий ва Аби Довуд ва Яқуб ал-Фасавий ва Аби Хотим ар-Розий ва ат-Тирмизий ва Аби Зуръа ад-Димашқий ва ан-Насойи ва ал-Баззор ва ад-Дорақутний). – Ж: 3. – Байрут: Олам ал-қутуб, 1992. – Б. 120-124.

³⁹ Қаранг: Муслим Ибн Ҳажжож Абулҳасан Қушайрий Найсабурий. Саҳих. – Ж: 1. – Байрут: Дор ат-турас ал-арабий. – Б. 190, 207, 220, 245, 258 ва бошқа ўринларда.